

Ўзбек тилидан
инглиз тилига
қилинган бадий таржималар
устидаги илк мулохазалар

Бадиий таржимадан кўзланган энг биринчи мақсад маълум асарни бошқа миллат ўқувчисига етказишдир. Бошқа мақсад ва манфаатларга эришиш муффақияти биринчи мақсад қай даражада амалга ошгани билан ўлчанади. Шундак экан, бадиий таржимага баъхони, охир-оқибат, мўлжалланган тилда гапирувчилар беради.

Лекин мен – инглиз (тилида гапирувчи) китобхон эмас, шу сифатга жуда яқин келган ўзбек ўқувчиси сифатида куйидаги таржималар юзасидан фикр билдирмоқчиман, ва шу йўл орқали келгусидаги таржима ишлари учун сифат мезонларини яралишида ўз хиссамни кўшмоқчиман.

Ёзувчи Муҳаммад Али қаламига мансуб “Сарбадорлар” раманининг 2015 йилда нашрдан чиққан таржимасидан бошласак. 1-чидан, таржимага берилган ном (devotees= садоқатлилар) “сарбадор” сўзининг ахамияти, унинг тарихий келиб чиқишини иккиламчи, ёки умуман алоқаси йўқ тушунчага айлантиради. Иккинчидан, таржимада кўплаб элементар лексик ва грамматик хатолар учрайди.

Мисол учун, 5-бет 3-қаторда “*tarace*”, 8-қаторда “*guarder*” сўзлари ишлатилган. Бу сўзлар инглиз тилида мавжуд эмас; иккинчи сўзнинг ўзагига (guard=кўриқчи) қараб нима назарда тутилганини фахмлаб олса бўлади. Аммо 1-чи сўз орқали нима дейилмоқчилигини мутлақо билиб бўлмайди.

3-4 қатордаги жумла: “*sarboṇ cried to a black shade on the door*” = “сарбон эшикдаги (ёки эшикда осиглиқ турган) қора(йиб турган) сояга бақирди”. Бу – ғалати ҳолат, маъноси мужмал. Аслида эса: “сарбон тепада қорайиб турган шиникка қараб қичқирди.”

Шунингдек, 9-қаторда ишлатилган *see* феълининг *кўрмоқ* маъноси давомли замонда тусланмайди. Унинг “*was seeing*” кўринишдаги тусланиши “*учрашмоқ, кўришмоқ*” маъносини англатади. 9-қаторда “*was seeing*”нинг ишлатилиш натижасида ўқувчи гап нима хақида кетаётганини тушунмай қолади.

10-қатордаги *but*(=лекин) сўзининг ишлатилиши маънони чигаллаштиради. “*Дарвозабон карвоннинг олисдан келаётганини тушунди, лекин...*” Кегин келадиган жумла ‘*лекин*’ билан боғланмайди. Аслида ҳам бу боғловчи йўқ.

Шу гап таркибидаги “*ring*” сўзи “*қўнғироқ*” маъносида ишлатилган. Муаммо шундаки, қўнғироқ бу ерда телефон ёки замонавий эшикларга ўрнатилган сигнал тугмасидаги қўнғироқларни назарда тутди. Ўқувчи *ring* сўзи ишлатилган гапни ўқиркан, унинг хаёлига туяларга осиб қўйиладиган қўнғироқ келмайди; натижада тушунмовчилик пайдо бўлади. Бу тушунмовчилик янада ёмонлашади, чунки “*қўнғироқ овози*” сўз бирикмасини таржима қилиш учун ишлатилган “*sound*” сўзи инглиз тилида “*одам гапирганда ва/ёки қўйлаганда чиқарадиган овоз*” деган маънони билдиради. Албатта, бадий асарларда кўчма маънода ишлатилиш ҳолатлари кўп, лекин *sound* ва *ring* сўзлари назарда тutilган маънони ифодалаш учун лексик боғланмайди.

12-13-қаторлардаги “*my trip is longer where I should go...*” гапининг ифода этадиган маъноси шундай: “*саёхатим узоқ давомли, қаерга борсам экан...*” Бу эса, китобдаги “*борар йўлим хали олис...*” жумласидан кескин фарқ қилади.

14-қаторда “*sadly voices*” сўз бирикмасида *от* (=voice) сифат билан эмас (=sad), равиш билан (=sadly) тасвирланиляпти. Ўзбек тилида сифат ва равиш кўриниши бир хил бўлиши (шунинг учун бир хил ўқилиши) тибий

хол, лекин англиз тилида равишни ясашда кўшилган ‘-ly’ кўшимчаси икки сўз туркумлари ўртасидаги фаркни катталаштирган. Шунингдек, шу сўз иштирок этган гапнинг иккинчи ярмида “*felt... sadly*” деб ёзилган. Бу ҳам оддий грамматик қоиданинг жиддий бузилишига яна бир мисол. Инглиз тилида баъзи феъллар, жумладан ‘*feel*’ (=хис қилмоқ) гапда сифат билан тасвирланади, равиш билан эмас. (Мустасно холат, феълнинг ‘*хисибга олмоқ*’ маънода келаётганини билдиради, лекин бу маъно соқчининг хис қилаётганлари учун ишлатилмайди.)

16-қатордаги “*had not the right*” тузилма ҳам хато. Агар ‘*had not*’ бирикмаси ишлатилса, унда англиз тилида мавжуд бўлган ‘ўтган тугалланган’ (past perfect) замон ишлатилиши керак, яъни ‘*had not*’ бирикмадан сўнг асосий феъл(нинг 3-шакли) келиши керак. Бундай холат 16-қаторда учрамайди. Агар оддий ўтган (past simple) замон ишлатилса, “*had not*” эмас, “*did not have*” бўлиши керак.

Бу жумлада бошқа муаммо ҳам бор: таржимадаги маъно шундай: “*Аммо сақчининг рухсатсиз эшикни очишга ҳаққи йўқ эди.*” Аслидаги жумла эса қуйидагича: “*Аммо соқчи ҳозир дарвозани дабдурустдан очишга журъат қилолмади.*” Бу икки жумла воқеалар ривожини учун муҳим эмасдек туюлгани билан, шу каби гапдаги эътибор аслидагидан кўра бошқа нарсага қаратилиши (журъатдан рухсат йўқлигига, масалан) кейинчалик муҳим воқеа ривожларидаги муҳим ҳислатларни номуҳим ва аксинча бўлишлигига олиб бориши мумкин.

18-қатордаги “*interrogating*” сўзи терговчиларга ҳос сўз бўлиб, узоқ давом этадиган, тазйиқ остида ўтказиладиган сўроқ-саволларни назарда тутади. “*Суриштирмай*” сўзини ифода этиш учун оддийгина “*questioning*” сўзи айнан мос келади.

19-қатордаги “*at the same time*” “*бир вақтнинг ўзида*” деган маънони билдиради. Шундак экан, икки ой бурун бўлган воқеа қандай қилиб соқчи ўйлаётган пайтда содир бўлади?

20-қатордаги “*realized that he should ask for permission*” = “*тушуниб етдики у рухсат сўраши керак экан*” жумласи наъзарда тутилган маънони мутлақо ифода этмайди. Аслида “*ижозат олиш борасида оғиз очган эди*” дейилганини ҳисобга олиб, яна эътибор бутунлай бошқа нарсага қаратилганлигини кўриш мумкин. Бу, албатта, нотўғри. Шунингдек, ушбу жумлада грамматик ҳато ҳам мавжуд: “*should*” сўзи ўтган замонда ишлатилмайди; ишлатилганда ҳам “кўчирма гап” таркибида бўлиши керак.

21-қаторда “*because of*” хато ишлатилган; бу фразадан сўнг келадиган эргаш гап от+феъл кўринишида бўлмашлиги керак. (Шу хато 5-7 бетларда 3 марта такрорланади).

22-қатордаги “*he scolded to him*” = “*у уни уришиб берди*” бирикмасида, аввалам бор ‘*to*’ предлоги бу ерда умуман ишлатилмайди. Иккинчидан, гап тузилиш схемасидан келиб чиққан ҳолда, гапнинг эгаси (he=у) соқчи ва гапнинг тўлдирувчиси (him=уни) карвонбоши деб тушинилади. Лекин кейинги жумладан маълум бўладики, уришиб бераётган, яъни гапнинг эгаси карвонбошидир. Аслида ҳам шундай. Фақат, гапнинг тузилиш схемаси нотўғри қўлланилган.

Нихоят, 24-қаторда “*мужда*” сўзи аслича ишлатилиб, унинг маноси 6 рақами билан синоска қилинганда “*news=янгилик*” деб берилган. Бу сўзнинг муҳимлик даражаси ниҳоятда паст, айниқса китобнинг сарловҳаси “*сарбадорлар*” сўзига нисбатан. Шунинг учун бу сўзнинг аслини сақлаб қолишдан ҳеч қандай маъно йўқ.

Таржиманинг биринчи саҳифаси (китобнинг 5-чи бети) бор йўғи 25 қатордан иборат. 25 қаторда юқорида келтирилган камчиликлар учради. Мен китобнинг бошқа бетларига ҳам назар ташладим: 55, 79, 159, 252, ва 355 чи бетлар. Таржима сифат даражаси катта ўзгаришларсиз давом этган.

Менинг қаътий фикрим шуки, бу таржима қайта ишлаб чиқилиши керак. Таржиманинг Ўзбекистон номидан Жаҳон Адабиётига чиқишга мўлжалланганлигини ҳисобга олган ҳолда, бу иш кечиктирмай амалга ошиши керак, деб ҳисоблайман.

Кейинги кўрилган таржима Ўткир Ҳошимовнинг “дунёнинг ишлари” китобининг таржимасидир. Бу китоб юқоридаги китобдан сезиларли даражада яхшироқ. Масалан, йўл кўйилган камчиликлар шармандаларча оддий грамматик хатолар эмас; умуман 5-6 бетларда грамматикага доир хато учрамайди. Бу китобнинг нисбатан сифат дажараси баландроқ эканидан далолат.

Аммо, афсуски, грамматик хатоларнинг йўқлиги жаҳон стандартида ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. (Ахир, жаҳонга чиқиб олгунгача бўлган жараённинг ўзида ҳар қандай грамматик ва лексик хатолар бартараф қилинмоғи даркор!) Шуни назарда тутган ҳолда, мен таржиманинг 5-6-чи бетларидаги учраган (асосан лексик) хатоларга эътибор қаратган ҳолда фикр юритмоқчиман.

Масалан, муаллифнинг ўзи томонидан киритилган қисқа кириш-бағишлов қисмида, 1-қаторда, шундай дейилади: “*This story consists of short stories of different sizes.*” Бир сўзнинг (story=ҳикоя) икки марта ишлатилиши синонимларга бой бўлган Инглиз тилида жуда кам учрайди. Юқоридаги гапнинг маъноси шундай: “*Бу ҳикоя ҳар хил*

ҳажмдаги кичик ҳикоялардан иборат.” (Аслида: “бу қисса катта-кичик новеллалардан иборат.”)

Шундай ҳолат кейинги гапда *name=ism* сўзи билан такрорланади: “*The names of some characters were changed into other names.*” Умуман бу гапда *changed* (=ўзгарди, ўзгартирилди) сўздан кейин ҳеч нарса керак эмас. Аслида ҳам учрамайди: “*фақат, базиларининг исми ўзгарди, холос.*”

Китоб таржимасидаги 2-қаторда “*When it is towards dawn*” жумласи “*тонгга яқин*” маънони англатади. Тонгга яқин кўпчиликнинг уйғониши одатий ҳол, шунинг учун аслидаги “*тун ярмидан оққанда*” тушунчани яратмайди.

Шу қаторда “*waste*” сўзи ишлатилган. Бу сўзнинг таржимаси: исроф қилмоқ, беҳудага ишлатмоқ, совурмоқ каби салбий ҳаракатларни ифода этади. Ўқувчи “*waste*” феъли иштирокидаги гапни ўқиганда беихтиёр ўзида негатив коннотация, яъни негатив ўй ва хотиралар уйғонганини сезади. Бу нарса “*waste*” сўзидаги мавжуд кучли негативликдан пайдо бўлади. Аслидагида эса бундай нарса йўқ: “*этаверасиз, этаверасиз*” дейилган ҳолос.

4-қатордаги “*time by time*” ибораси мавжуд ҳеч бир изоҳли луғатларда учрамайди. Бу жумла асосан она тилиси инглиз тили бўлмаган интернетдан фойдаланувчилар томонидан 10-15 марта ишлатилганлигини, тибий инглиз тилида эса ҳато ибора эканлигини интернет манбаларидан кўриш мумкин.

5-қатордаги “*It gets such hard silence*” жумласида сўзларнинг лексик бирикишидаги иккита ҳато бор. Биринчидан, “*hard silence*” сўзлари аслидаги “*ўзир сукунат*” маъносини ифода этмайди. Умуман *hard* сўзи “оғир” (яъни “қийин”) ва “қаттиқ” деб таржима қилинади. *Silence* эса жимлик, яни сукунат деганидир. Лекин инглиз

тилида *silence hard* сўзи билан ифода этилмайди. Иккинчи лексик муаммо “*get ... silence*” даги *get* феъли ва *silence* отининг табиий тилда бирга келмаслигида. Натижада, тахминан бўлса ҳам маънонинг чиқиши қийинлашади.

6-қатордаги “*something weight falls down*” даги *weight* сўзи от бўлиб эмас, сифат бўлиб (*weighty*) ишлатилиши керак. Бу шакл ўзбек тилига ҳам ҳос. Аслидаги жумла: “Зилдек(*сифат*) юк” бунга мисол.

8-қаторда “*in side*” (*on side* бўлиши керак), 9-қаторда “*bents down*” (*bends down* бўлиши керак) ва 12-қаторда “*but keep patience hardly*” (*but hardly keep patience* бўлиши керак, лекин бу жумладаги *keep patience* табиий инглиз тилида оммалашган сўз кўшилма эмас.) оддий, кичик камчиликлардир. Лекин шу кичик камчиликлар ҳам бадиий асарнинг Жаҳон адабиётидан салмоқли ўрин олишига тўсик бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Бу таржимага нисбатан шахсий фикрим шундай: озгина қайта ишлаш билан жаҳон адабиёт минбарига олиб чиқилиши мумкин.

Учинчи мен кўриб чиққан таржима бу Эркин Азамнинг “Алвидо эртактлар” асарининг таржимаси. Бу таржима сифат даражасидан юқоридаги хар иккала таржималардан анчайин баланд. Айни пайтда бу китобни ўқиш жараёнидаман. Ҳозирга қадар (1-6 бетларда) учраган муаммолар ўрнатилган стандартлардан келиб чиқиб эмас, кўпроқ ўз фикримдан келиб чиқмоқда. Масалан 3-бетда “*pandemonium*” ва “*unexpectedly*”, 4-бетда “*I was in Moscow recently*”, “*He said he’s got*”, ва 5-бетда “*he could have tried to go*”, “*there was reason enough for that*” “*unruly*”, “*hide*”, ва 6-бетда “*the will to taste his pilaf*”, “*taking to it one of his lady loves*” каби сўз ва гаплар муҳокама қилиш орқали яхшиланиши мумкин.